

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

АТАМУРАТОВ РАСУЛЖОН КАДИРЖОНОВИЧ

**ВИРТУАЛ-ТАЪЛИМИЙ МУЗЕЙ ЯРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ
(Умумий ўрта таълим мактаблари мисолида)**

13.00.06 – Электрон таълим назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Атамуратов Расулжон Кадиржонович

Виртуал-таълимий музей яратиш технологияси (умумий ўрта таълим мактаблари мисолида)..... 3

Атамуратов Расулжон Кадиржонович

Технология создания виртуально-образовательного музея (на примере общеобразовательных школ) 21

Atamuratov Rasuljon Kadirjonovich

Technology of creating a virtual educational museum (on the example of public secondary schools)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications..... 43

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

АТАМУРАТОВ РАСУЛЖОН КАДИРЖОНОВИЧ

**ВИРТУАЛ-ТАЪЛИМИЙ МУЗЕЙ ЯРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ
(Умумий ўрта таълим мактаблари мисолида)**

13.00.06 – Электрон таълим назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Ped94 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.cspi.uz) ҳамда "ZiyoNet" Ахборот-таълим портали www.ziyo.net манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Ходжаев Бегзод Худойбердиевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Эргашов Мухамматрасул
техника фанлари доктори, профессор
Маматов Дилмурод Нармуратович
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD), доцент

Етакчи ташкилот: Кўкон давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 рақамли Илмий кенгаш асосида бир марталик Кенгашнинг 2022 йил "30" 08 куни соат 09:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй.). Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: cspi_kengash@umail.uz).

Диссертация билан Чирчиқ давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (10 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41 e-mail: cspi_kengash@umail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил "16" 08 куни таркатилди.
(2022 йил "16" август даги 33 рақамли респектр баённомаси).



Ж.Э.Усаров
Илмий даражалар берувчи
бир марталик илмий кенгаш раиси,
п.ф.д., доцент

М.Махмудова
Илмий даражалар берувчи
бир марталик илмий кенгаш котиби,
п.ф.д., доцент

Р.А.Эшчанов
Илмий даражалар берувчи
бир марталик илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, янги технологиялар ва замонавий ахборот воситаларидан фойдаланиш орқали ўқувчиларда рақамли компетенцияларни шакллантиришнинг таълимий стратегияларини такомиллаштириш, таълим олувчиларда дастурий-технологик компетентликни ривожлантиришнинг инновацион дидактик моделларини ишлаб чиқишга катта аҳамият қаратилмоқда. Айниқса, компьютинг таълимини модернизациялаш мақсадида ахборот технологияларини умумтаълим фанлари билан интеграциялаб ўқитиш, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда электрон таълимдан мақсадли фойдаланишнинг педагогик тизимини такомиллаштириш алоҳида долзарблик касб этади.

Дунёда мактаб ўқувчиларининг алгоритмик тафаккурини ривожлантиришнинг методик асосларини такомиллаштириш, таълим олувчиларда виртуал маданиятни шакллантиришнинг дидактик параметрларини аниқлаштириш, ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланишини таъминлашга қаратилган электрон ўқув-методик ресурсларни, масофавий ва веб технологияларига асосланган ўқитиш тизимларини, VR, AR, MR, 3D learning платформаларини, очиқ ахборот-таълим муҳитларини, мобил иловаларини уйғунлаштириш асосида жорий этишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, ўқувчиларнинг ахборот-коммуникатив, рақамли компетенцияларини шакллантиришда виртуал борлиқнинг дидактик имкониятларидан самарали фойдаланиш, умумтаълим фанларини ўқитиш жараёнида қўллашга мўлжалланган виртуал таълимий музейларни ишлаб чиқиш, информатика ўқитувчиларининг виртуал музейларни яратиш ва фойдаланишга доир касбий компетентлигини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамызда умумий ўрта таълим мактаблари ўқув-тарбия жараёнларини ахборотлаштириш, рақамли технологиялар асосида таълим сифатини ошириш, аралаш таълим имкониятларини кенгайтириш орқали ўқувчиларнинг мустақил таълим олиш малакаси ва рақамли саводхонлигини ривожлантириш, виртуал таълим шакллари кенг жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Ёшлар учун очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш, таълимнинг барча босқичларида ёшларнинг мукамал таълим олишини таъминлаш”¹ ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришнинг устувор вазифаси этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони. ҚММВ: 06/22/60/0082-сон 29.01.2022-у.

“Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил 6 октябрдаги ПҚ-4851-сон “Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни IT-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўқув жараёнида ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш ва унинг самарадорлигини оширишнинг педагогик шарт-шароитлари, электрон таълимни ривожлантириш, электрон ахборот-таълим ресурслари ҳамда дастурий қобикларни яратиш ва қўллаш имкониятлари республикамиз олимларидан А.Абдуқодиров, А.Абдуллаев, М.Арипов, Б.Бегалов, У.Бегимкулов, С.Бекназарова, Ф.Закирова, М.Лутфуллаев, М.Мамаражабов, Н.Муслимов, Н.Тайлақов, С.Ғуломов, У.Юлдашев, А.Ҳайитов, С.Турсунов, М.Файзиева, Д.Маматов, С.Доттоев, умумтаълим мактаблари учун виртуал музейлар яратиш ва уларни таълим амалиётига жорий этишнинг айрим масалалари Б.Ходжаев, Ж.Исмаилова, Ш.Миралиева кабиларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари олимларидан Б.Столяров, Н.Лысикова, В.Гвазава, И.Эленер, А.Лебедев, А.Будко, Д.Филонов, Т.Максимова, В.Касьянов, Г.Несгаворова, Т.Волянская, А.Матвеев, Д.Супрун, Д.Василина, А.Дюмина, Т.Смирнова, В.Туманова ва бошқаларнинг илмий ишларида виртуал-таълимий музей яратиш технологиясини такомиллаштириш ва назарий асослаш ҳамда амалиётга татбиқ этиш, виртуал экскурсиялар, музей педагогикаси ва ахборот технологиялари интеграцияси масалалари ёритиб берилган.

Хорижлик олимлар К.Walczak, G.Miller, D.Shapiro, B.Kasyanov, J.Bowen, T.Bennet, U.Martin кабилар томонидан виртуал музей экспозицияларини яратиш, уларнинг таълимий функциялари, глобал тармоқдаги виртуал музейларининг таъсир кўрсатиши, турли ёшдаги ўқувчилар ва имконияти чекланган инсонларнинг музей кўргазмалари билан танишиш ва виртуал саёҳатларни амалга ошириш имконини яратиш, концепциялар ва дастурлар ишлаб чиқиш масалалари тадқиқ этилган.

Бироқ умумий ўрта таълим мактаблари таълим-тарбия жараёнида қўллаш имконини кенгайтиришга хизмат қилувчи виртуал-таълимий музейларни яратиш технологияси, уларни амалиётга жорий этишнинг методик асослари

бўйича махсус илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмаган. Бу эса, виртуал-таълимий музейларни яратиш технологиясини ишлаб чиқиш ва электрон таълимнинг дидактик имкониятларини кенгайтиришга доир илмий изланишлар олиб боришни тақозо этди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-методик марказнинг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг BV-Atex-2018 (143). ”Кўзи ожиз шахслар учун компьютер техникасидан фойдаланиш, матнларни ўқиш ва ёзиш имконини берувчи ўзбек тилига асосланган гапирувчи дастурий таъминот ва овоз синтезаторини ишлаб чиқиш” (2018-2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади виртуал-таълимий музей яратиш технологиясини такомиллаштириш ва уни ўқув амалиётига жорий этишга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

виртуал борлиқ технологияларининг функционал-дидактик имкониятларини аниқлаштириш;

умумтаълим мактаблари учун виртуал-таълимий музей яратиш технологиясини ишлаб чиқиш;

умумтаълим мактабларида виртуал-таълимий музейни татбиқ этишнинг электрон-методик таъминотини такомиллаштириш;

“Информатика ва ахборот технологиялари” фани машғулотларини виртуал-таълимий музейдан фойдаланиб ташкил этиш ва ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумий ўрта таълим мактаблари учун виртуал-таълимий музейни яратиш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги умумий ўрта таълим мактабларининг 396 нафар респондент-ўқувчилари жалб қилинган.

Тадқиқотнинг предметини виртуал-таълимий музей яратиш технологияси ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда илмий-методик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш, таҳлил этиш, социометрик (тест, электрон сўров, суҳбат), педагогик кузатиш, моделлаштириш, педагогик тажриба-синов, математик-статистик таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

виртуал ва тўлдирилган борлиқ технологияларининг ахборотларни визуаллаштириш даражасини чизикли ва ночизик йўналиш бўйича “Информатика ва ахборот технология”лари фанини ўқитиш жараёнлари билан уйғунлигини белгилаш, ўқувчиларнинг мустақил таълим олиш имкониятларини кенгайтиришнинг индивидуаллашув билан боғлиқ функционал-дидактик хусусиятлари аниқлаштирилган;

умумтаълим мактаблари учун виртуал-таълимий музей яратиш технологияси сайт ғояси ва тузилишини, жараён занжири, сайт эскизи, контент, дизайндан иборат бошланғич, ахборотларни фото кўринишида форматлаш,

лавҳалар тайёрлаш, 3D моделлар яратиш, тўлдирилган борлиқ (AR) учун объектлар яратишни кўзда тутувчи технологик, сайтни ишга туширишга доир якуний босқичларни ўз ичига олган технологик тузилмани ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилган;

умумтаълим мактабларида виртуал-таълимий музейни татбиқ этишнинг электрон-методик таъминоти амалий дастурларга доир интерфаол видеодарслар орқали янги билимларни эгаллаш, изоҳли луғат билан ишлаш самарадорлигини интенсив таъсир кўрсатиш даражасини оширишга хизмат қиладиган ташкилий-функционал моделни ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган;

“Информатика ва ахборот технологиялари” фани машғулотларини виртуал-таълимий музейдан фойдаланиб ташкил этиш ва ўқитиш жараёнлари интерфаол амалий машғулотларни ўтказиш босқичларини лойиҳалаш, уни амалга оширишнинг мантикий-структур кетма-кетлигини методик тамойиллар билан уйғунлигини эмпириклик жиҳати оптималлигини таъминлашнинг продуктивлик даражаси идентивлигини қатъий белгилаш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

3DOF ва 6DOF эркинлик даражалари асосида ўқув фани мавзуларига доир VR 360 видеолар яратилган;

“Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишда фойдаланиладиган RP (тезкор прототиплаш) технологиялари конвейери учун 3D моделлар (Unity 3D дастури ёрдамида) яратилган;

виртуал борлиқ технологияси ёрдамида виртуал саёҳатни ташкил этиш методикаси ишлаб чиқилган;

ўқувчиларда рақамли компетенцияларни шакллантиришга доир онлайн курслар яратилган;

ўқувчиларнинг амалий дастурлардан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш мақсадида махсус тренажёрлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти виртуал-таълимий музейларни яратишнинг тарихий-педагогик асосларининг ёритиб берилганлиги, виртуал-таълимий музейларнинг турлари ва моделларининг аниқлаштирилганлиги, виртуал-таълимий музей яратишнинг амалиётдаги ҳолатининг таҳлил этилганлиги ва асосий йўналишларнинг белгилаб берилганлиги, виртуал-таълимий музей яратишда виртуал борлиқ технологияларининг ўрни ва аҳамиятининг очиб берилганлиги, виртуал ва тўлдирилган борлиқ технологияларининг ахборотларни визуаллаштириш даражасини SWOT-таҳлил этиш асосида “Информатика ва ахборот технология”лари фанини ўқитиш жараёнларига

тизимли татбиқ этиш, ўқувчиларнинг мустақил таълим олиш имкониятларини кенгайтиришнинг функционал-дидактик хусусиятлари аниқлаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти умумий ўрта таълим мактаблари учун виртуал-таълимий музейни яратиш технологиясининг ишлаб чиқилганлиги, умумтаълим мактабларида виртуал-таълимий музейни татбиқ этишнинг электрон-методик таъминотининг такомиллаштирилганлиги, “Информатика ва ахборот технологиялари” фани машғулотларини виртуал-таълимий музейдан фойдаланиб ташкил этиш ва ўқитиш методикасининг ишлаб чиқилганлиги, “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишда фойдаланиладиган RP технологиялари конвейери учун 3D моделлар яратилганлиги, виртуал борлиқ технологияси ёрдамида виртуал саёҳатни ташкил этиш методикаси ишлаб чиқилганлиги, ўқувчиларда рақамли компетенцияларни шакллантиришга доир онлайн курслар яратилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Виртуал-таълимий музейни яратиш технологияси бўйича тадқиқот натижалари асосида:

виртуал ва тўлдирилган борлиқ технологияларининг ахборотларни визуаллаштириш даражасини SWOT-таҳлил этиш асосида “Информатика ва ахборот технология”лари фанини ўқитиш жараёнларига тизимли татбиқ этиш, ўқувчиларнинг мустақил таълим олиш имкониятларини кенгайтиришнинг функционал-дидактик хусусиятларини аниқлаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан умумий ўрта таълим мактабларининг 7 синфлари учун “Информатика ва ахборот технологиялари” дарслигини яратишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2022 йил 25 апрелдаги 01/11-02/02-522-сон маълумотномаси). Натижада, виртуал-таълимий музейларни яратишда график муҳаррирларнинг имкониятларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

умумтаълим мактаблари учун виртуал-таълимий музей яратиш технологиясини бошланғич, технологик, якуний босқичларни ўз ичига олган алгоритмни ишлаб чиқиш орқали такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан умумий ўрта таълим мактабларининг 10 синфлари учун “Информатика ва ахборот технологиялари” дарслигини яратишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2022 йил 25 апрелдаги 01/11-02/02-522-сон маълумотномаси). Натижада, видеомаълумотлар билан ишлаш, 3D моделларни яратиш технологиясини такомиллаштиришга хизмат қилган;

умумтаълим мактабларида виртуал-таълимий музейни татбиқ этишнинг электрон-методик таъминотини ташкилий-функционал моделни ишлаб чиқиш асосида такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан И-ОТ-2019-7. “Умумий ўрта мактаблар учун мўлжалланган 3D-тизимли интерактив ўқув-методик қўлланмаларни яратиш ва жорий қилиш (5-синф “Адабиёт” фани учун)” (2019-2021 йй.) лойиҳасининг дастурий таъминотини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 6 январдаги 89-03-60-сон маълумотномаси). Натижада, умумий ўрта

таълим мактабларида компьютеринг таълимини жорий этиш самарадорлигини оширишга эришилган;

“Информатика ва ахборот технологиялари” фани машғулотларини виртуал-таълимий музейдан фойдаланиб ташкил этиш ва ўқитиш жараёнларини интерфаол амалий машғулотларни ўтказиш босқичларини лойиҳалаш, уни амалга оширишнинг алгоритмик кетма-кетлигини методик тамойиллар билан ўйғунлигини бевосита таъминлашнинг репродуктивлик даражаси барқарорлигини таъминлаш орқали такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан 585845-EPP-1-2017-1-ES-EPPKA2-SBHT-JP “Development of the Interdisciplinary master program on Computational Linguistics at Central Asian Universities: CLASS” (Марказий Осиё университетларида соҳалараро Компьютер лингвистикаси магистратура дастурини ривожлантириш) – CLASS” (2017-2020 йй.) Erasmus + халқаро лойиҳасининг виртуал-бошқарув таъминотини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 6 январдаги 89-03-60-сон маълумотномаси). Натижада, виртуал-таълимий музей яратиш технологиясини касбий йўналтириш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 129 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқот ишининг мақсад, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларга мослиги ва тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, тадқиқот ишининг тузилиши ҳақида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Виртуал-таълимий музей яратишнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида музей педагогикасининг тараққиёт тарихи, виртуал музейнинг педагогик имкониятлари, жаҳонда музейларни виртуаллаштириш амалиёти, виртуал-таълимий музейнинг имкониятлари, турлари, мазмуни, таркиби ҳамда мақсад ва вазифалари; виртуал-таълимий музей яратишнинг хориж тажрибаси; виртуал-таълимий музейларнинг келгуси ривожини учун хизмат қиладиган VR,

AR ва MR технологиялар ва уларнинг тарихи, таълимий имкониятлари ёритиб берилган.

Бугунги замонавий ахборот технологиялари асрида тарихий-маданий меросимизни тиклаш, сақлаш энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган, бу эса ҳар бир халқнинг ўз тарихи ва маданиятини чуқурроқ англаб етиш ва ёш авлодларга етказиш имконини бермоқда. Тарихий-маданий меросларни нафақат асраш, балки уларни ахборот коммуникация технологиялари ёрдамида турли усулларда тақдим этиш мумкин. Бунга мисол қилиб интернет тармоғига жойлаштирилаётган виртуал-таълимий музейларни келтиришимиз мумкин.

Виртуал-таълимий музей – музейдаги санъат объектлари, тарихий асарлар, виртуал тўпламлар ва экспонатларини намойиш этиш ҳамда шу муҳитда таълим жараёнини ташкил этишга мўлжалланган веб сайт туридир.

Виртуал-таълимий музейлар экспонатларни сақлаш, уларнинг хавфсизлиги ва оммабоплиги масалаларини ҳал қилиш учун яратилган ахборот-коммуникация технологияларининг муваффақиятли мисолларидан биридир. Бу турдаги музейларнинг асосий мақсади маданий макон яратиш ва инсонларнинг маданий билимларини шакллантириш, мозий намуналарини кенг оммага тақдим этиш, илмий тадқиқот кўникмаларини ривожлантириш, мулоқотчанликни шакллантириш, ўқув жараёнида виртуал-таълимий музей тўпламларидан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар бериш ва виртуал саёҳатлар ташкил этишдан иборат.

XX асрнинг 90 йилларида музейшуносликка кириб келган “виртуал музей” тушунчаси замонавий музейшуносликнинг бутун бошли йўналишига айланиб улгурди. Дастлабки вақтларда ушбу тушунча ўқувчилар орасида у қадар кенг тарқалмаган эди. Виртуал саёҳат технологияси 1977 йилда Massachusetts Institute of Technology томонидан биринчи бўлиб “Aspen Movie Map” виртуал тизими режасида фойдаланилган. Дастлабки йилларда ушбу ибора унчалик тушунарли бўлмасда, лекин чиройли ва жозибали янграган. “Virtual” сўзи “мўжиза, ҳақиқий, реал” маъноларини ифода этса ҳам, аслида у лотинчадан таржима қилинганда “virtus” – ҳаёлий, фараз қилиш сўзларидан келиб чиққан.

Microsoft компаниясининг асосчиси Bill Gates музей веб-саҳифаларининг имкониятларини биринчилардан бўлиб англаган шахс бўлган. У 1989 йилдан бошлаб Corbis фирмаси орқали санъат буюмлари, тарихий артефактлар ва қимматли қўлёзмаларининг юқори сифатли рақамли суратларига бўлган ҳуқуқларни сотиб олган. Натижада, музей веб-саҳифаларининг оммабоплиги шу даражада юқори бўлганидан ICANN (Домен номлари ва рақамлари Интернет корпорацияси) улар учун “museum” домени ажратиб берган.

Биринчи виртуал музейлар саҳифалари Интернетда 1991 йилда ҳақиқий музейларнинг веб саҳифалари кўринишида яратилган бўлса-да, кейинчалик шахсий веб-музей саҳифалари ҳам пайдо бўла бошлаган. Бунинг мантиқи шундаки, агарда уйни уй музейи қилиш мумкин бўлса, уй-саҳифаси ҳам музей-саҳифаси бўлиши мумкин. Илк ўзини виртуал музей деб эълон қилган шахсий виртуал музей саҳифаси 1994 йилда пайдо бўлади.

Виртуал музейларнинг турли хил вариантлари биринчи бўлиб Интернет тармоғида статик веб-сайт кўринишида, контентдаги маълумотлар (музейнинг йўналиши, яратилиш тарихи, кўрғазмалар, иш вақтлари, алоқа маълумотлари ва бошқалар) рисола ҳолатида тақдим этилган.

Виртуал музейларнинг тўпламлари иккита ўзига хос хусусиятга: виртуал саёҳат ва экспонатларни кенгайтирилган тарзда излаш имкониятига эга бўлиши керак. Кейинчалик музей веб-сайтларда онлайн кўрғазмалар коллекциялари ёки вақтинчалик кўрғазмалар ҳақидаги тизерлардан фойдаланила бошланган. Бироз вақтдан сўнг тўлиқ рақамлаштирилган тўпламларга кириш таъминланди. Яъни, айрим экспонатлар 3D кўринишига келтирилди. Ҳозир таракқий этган замонда виртуал музейларнинг контентга, мулоқотга йўналтирилган ва ҳамкорликка асосланган турлари мавжуд.


Шунингдек, тадқиқотлар жараёнида хорижий давлатлардаги Америка компьютерлар ва робототехника музейи, Америка компьютер музейи, Информатика музейи, МДХдаги Виртуал компьютер музейи, Информатика виртуал музейи, Физик қурилмалар виртуал таълимий музейи ва Ўзбекистонда ишлаб чиқилган интернет тармоғида мавжуд Археология виртуал музейи, Бобур адабий мероси виртуал музейи ва VRmuseum.uz лойиҳаларини таҳлил қилиш орқали тизимларнинг имкониятлари, функция ва вазифалари, амалиётдаги ҳолати ҳамда уларнинг таркиби ёритиб берилди.

Тадқиқотда виртуал-таълимий музейларнинг келгуси ривожини учун хизмат қиладиган виртуал борлиқ (VR) ва тўлдирилган борлиқ (AR) технологиялари ҳақидаги маълумотлар ва улардан фойдаланиш йўллари аниқлаштирилди ҳамда “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишда мақсадли фойдаланишнинг асосий йўналишлари тизимлаштирилди (1-расмга қаранг).

Диссертациянинг **“Умумий ўрта таълимда виртуал-таълимий музей яратиш ва ундан фойдаланиш методикаси”** деб номланган иккинчи бобда виртуал-таълимий музей яратиш технологияси, тизимни татбиқ этишнинг электрон-методик таъминоти ва ундан ўқув жараёнида фойдаланиш методикаси ҳамда “Информатика ва ахборот технологиялари” фани машғулотларини виртуал-таълимий музейдан фойдаланиб ташкил этиш ташкил этиш ва ўқитиш методикаси ёритиб берилган.

Тадқиқот давомида виртуал-таълимий музейни турли фойдаланувчилар ишлаши учун мос бўлиши ва оммавийлашиши учун дидактик, методик, психологик, техник, эстетик, махсус ва дизайн талаблари ишлаб чиқилди.

Виртуал-таълимий музей яратиш технологиясининг мазмуни ва моҳияти шундаки, музейлардаги экспонатларни сақлаш, ҳимоялаш, кенг, тез ва осонлик билан томоша қилиш, уларни катталаштириш, яқиндан кўриш, ўзига хос тузилишини аниқ билиш каби имкониятларни яратади.



1-расм. “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишда виртуал ва тўлдирилган борлик технологияларидан фойдаланиш

Яратиладиган виртуал-таълимий музей учун таълимий йўналиш, сайт режаси ва экспонатлар билан танишиш, уларни даврларга ажратиш, экспонатлар бўйича тўлиқ маълумотларни тўплаш ва технологик босқичга, кейинчалик визуаллаштиришга тайёрланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, виртуал-таълимий музей сайтнинг ғояси ва тузилиши; тадқиқот; сайт эскизи ёки прототипи; контент; дизайн талаблари ишлаб чиқилди.

Тадқиқот доирасида яратилган виртуал-таълимий музей ахборот истеъмоли маданиятини ривожлантиришга имкон яратади; виртуал саёҳатлар ёрдамида реал ҳаётда кўра олмайдиган музейларга саёҳат қилинади; ўқувчилар бундай саёҳатлар қилиш орқали маънавий мероснинг тарихий илдизларини англайдилар, ахборот коммуникация технологиялари намуналарини бир бутун, яхлит маънавий мерос сифатида тушунишга эришилади.

Яратилган тизимда ўқитишни ташкил этиш учун биринчи навбатда **www.edumuseum.uz** манзилига ташриф амалга оширилади. Виртуал-таълимий музей (2-расмга қаранг) олти асосий бўлимни ўз ичига қамраб олган: бош саҳифа; компьютер авлодлари; ахборот ташувчилар; тиллар тарихи; VR360; таълим. Ҳар бир банд таркибида қисм ҳаволалари мавжуд бўлиб, фойдаланувчилар учун интерактивликни оширади.



2-расм. Информатика ва ахборот технологиялари виртуал-таълимий музейи кўриниши

Виртуал-таълимий музейнинг бош саҳифасида менюлар банди, ахборот технологияларига доир энг сўнгги янгиликлар, интерактив бўлим ва буюк олимларнинг иқтибосларига доир ахборий материаллар тақдим этилган. Бу эса, ахборий материаллар билан танишгач, амалий дастурларга доир видеодарслар орқали янги билимларни эгаллаш, дунёдаги ахборот технологиялари соҳасига

оид бошқа музейлар билан танишиш; АКТдан фойдаланиш бўйича қизиқарли далиллар; умумтаълим мактабларидаги информатика ва ахборот технологияларга оид адабиётларнинг электрон базаси кўринишига келтирилган кутубхонадан фойдаланиш ва юклар олиш; интеллектуал салоҳиятни оширишга мўлжалланган тренажёрлардан фойдаланиш; билимларни назорат қилиш учун ностандарт тестлардан фойдаланиш ва баҳолаш; таълим жараёнида фойдаланилаётган амалий дастурларни юклар олиш; мактаб дарсликлари ва амалий дастурларда учрайдиган атамаларнинг изоҳли луғати билан ишлаш каби имкониятларни яратади.

Бошқа ўқув предметлари сингари “Информатика ва ахборот технологиялари” фанида ҳам тарихий саналар, воқеалар, хронологик ва даврлаштиришга доир ахборотларни учратишимиз мумкин. Бундай ахборотлар ёрдамида ўқувчиларда тарихий воқеаларнинг бир-бири билан алоқаси ва ўзаро таъсирини мантиқий англаш ҳамда кўриш қобилиятини ривожлантириш муҳимдир.

Тизимнинг таркибида экспозицияларнинг Unity 3D дастури ёрдамида 3D моделлари яратилиб, “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишда фойдаланиш, RP технологиялари конвейери (3D printerда чоп этиш) ҳамда VR headsets қурилмаларидан ихтиёрий ракурстан кўриш, таркиб билан танишиш, уч ўлчовли фазода бошқариш имкониятлари мавжуд.

Ҳозирги кунда умумтаълим мактаби ўқувчиларига Ўзбекистонда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг яратилиш тарихи, ривожланиши ва тараққиётини акс эттирувчи таълимий материаллар камлиги сабабли ўрганиш, ёритиш ва улар ёрдамида таълим жараёнини ташкил этиш каби долзарб вазифалар ечими сифатида керакли маълумотларни билиш, кўриш, турли жойдан ва исталган вақтда ташриф буюриш учун “Алоқа тарихи музейи”га виртуал ташрифни амалга ошириш имконини берадиган виртуал саёҳат дастурий таъминоти яратилди. Мазкур виртуал саёҳат дастурий таъминоти исталган вақт ва мустақил равишда музей экспонатлари билан танишиш, ҳатто объектив сабабларга кўра реал музейга боролмайдиган ўқувчилар учун ҳам экскурсия манбаи бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, виртуал-таълимий музей доирасида ўқитувчининг таълим бериш фаолиятини соддалаштириш, машғулотни самарали ва юқори суръатга олиб чиқишни таъминлайдиган, шу билан бирга, ўқувчига ўтилган мавзунини бир неча бор мустақил равишда кўриб чиқиш, мустақил иш топшириқларини уй шароитида бажариш, дарсликлар мавжуд бўлмаганида, карантин ёки ўқувчининг касаллиги вақтида қолдирилган дарсларни мустақил равишда ўрганишда самарали восита бўлиб хизмат қиладиган иммерсив (инсон ўзини виртуал борлиқда ҳис қилиши) видеолар ишлаб чиқилди. Бу типдаги видеолар 3DOF ва 6DOF эркинлик даражаларини ҳис этиш имконини беради ва ўқувчиларнинг рақамли компетенцияларини шакллантириш учун драйвер вазифасини бажаради.

Виртуал-таълимий музей таркибида таълим жараёнининг продуктивлигини оширишга мўлжалланган интерактив тарқатма материал сифатида ишлатиладиган AR маркерлар (нишонлар) ва уни қўллаб қувватлайдиган

Edumuseum мобил иловаси; янги материални тушунтириш, таълим олувчиларга ўқув материални осон англаш, баъзи мавзуларни такрорлаш, турли чизмалар, формула ва график объектларни акс эттиришга ёрдам берадиган такдимотлар; ўқувчиларни бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида амалий дастурларга доир онлайн курслар; таълим сифатини баҳолашнинг халқаро тизимлари асосида ўқувчилар билимларини узлуксиз назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичларини қайта ишлаш ҳамда натижаларни таҳлил қилишнинг методик мезонларини белгиловчи автоматлаштирилган ностандарт тестлар ва топшириқлар; яратилган тизимнинг бугунги кунда фойдаланувчилар учун қулайлигини ошириш ҳамда имкониятларини кенгайтириш мақсадида ижтимоий тармоқлар орқали кириш мумкин бўлган Telegram тармоғида бот (@edumuseum_bot) яратилди.

Барча яратилган контентни “Информатика ва ахборот технологиялари” виртуал таълимий музейи сайтига бириктириш (HTML вёрсткаси, CMS билан интеграцияси ва тўлдириш) усуллари диссертацияда батафсил ёритиб берилган.

Ҳар қандай ўқув машғулоти таълим олувчиларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда маълум бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан лойиҳалаштирилган, ижобий натижа беришга қафолатланган илмий-ижодий иш бўлиши лозим. Тизимдан фойдаланган ҳолда дарс жараёнларини ташкил этиш учун “Информатика ва ахборот технологиялари” фанининг назарий ва амалий машғулотларини ўқитиш методикаси намунаси ҳам диссертацияда келтириб ўтилган.

Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган виртуал-таълимий музейдан таълим олувчиларнинг машғулотларда эгалланган билимларини бойитиш ва уларни мустақамлаш, ўрганилаётган объект билан амалий мулоқотга киришиш, қатъиятли бўлиш, мустақил ҳаракат қилишдан кўрқмаслик, сабрли бўлиш ва диққат билан масалага ечим топиш, таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантиришда фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг “Умумий ўрта таълимда виртуал-таълимий музейни жорий этиш самарадорлиги” деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишларини ташкил этиш методикаси ва натижалари ёритиб берилган.

“Информатика ва ахборот технологиялари” фани учун яратилган виртуал-таълимий музейнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида тажриба-синов ишлари Тошкент шаҳри, Тошкент вилоятининг Паркент тумани ва Сирдарё вилоятининг Боёвут туманидаги умумий ўрта таълим мактабларида амалга оширилди. Тажриба-синов ишларида жами 396 нафар респондент-ўқувчилар иштирок этди.

Тажриба-синов ишлари уч босқичда амалга оширилди:

1. Биринчи – асословчи босқич (2019–2020 ўқув йили). Тадқиқот муаммосининг илмий-назарий, илмий-услубий асослари ўрганилди; тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари аниқланди; тадқиқот объекти ва унинг кўрсаткичлари ҳамда унга мос мезонлар назарий манбаларни таҳлил қилиб ўрганилди. “Информатика ва ахборот технологиялари” фани учун виртуал-таълимий музей яратиш зарурияти илмий-назарий жиҳатдан асосланди, ишчи фаразлар шакллантирилди. Танлаб олинган умумий ўрта таълим мактабларида

“Информатика ва ахборот технологиялари” фани ўқув дастурлари таҳлил қилинди ва такомиллаштирилган мазмуни ишлаб чиқилди. “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитиш самарадорлигини оширувчи ўқув материаллари ва амалий машғулотларни бажариш бўйича кўрсатма ҳамда топшириқлар, самарадорликни баҳолашга доир тест топшириқлари ишлаб чиқилди.

2. Иккинчи – таълимий босқич (2020-2021 ўқув йили). Тадқиқотнинг ишчи фарази, мақсад ва вазифалари амалга оширилди. “Информатика ва ахборот технологиялари” фани учун мўлжалланган виртуал-таълимий музейнинг режалойиҳаси ва яратиш босқичлари ишлаб чиқилди. “Информатика ва ахборот технологиялари” виртуал-таълимий музейининг дастурий таъминоти яратилди ҳамда ўқув материаллари жойлаштирилди. “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишда виртуал-таълимий музейдан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилди. Ўрганилаётган муаммонинг долзарблиги, ишлаб чиқилган тамойилларнинг татбиқини методик асослаш бўйича педагогик тажриба-синов ишлари ўтказилди.

3. Учинчи – аниқлаштирувчи тажриба босқичи (2021–2022 ўқув йили). “Информатика ва ахборот технологиялари” виртуал-таълимий музейи дастурий таъминоти имконияти махсус экспертлар ўртасида сўровнома ўтказиш орқали баҳоланди. “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишда виртуал-таълимий музей ва дастурий таъминот ёрдамида дарс самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган методикани синовдан ўтказиш ишлари олиб борилди. Ўтказилган педагогик тажриба-синов ишларида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини виртуал-таълимий музей асосида ўқитиш бўйича натижалар умумлаштирилди, хулосалар амалий жиҳатдан текшириб кўрилди ҳамда олинган натижалар Стьюдент-Фишернинг Т-критерий математик-статистик методи ёрдамида таҳлил қилинди.

Виртуал-таълимий музей ёрдамида ташкил этилган “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида тажриба-синов ишлари ўтказилди. Тажриба синфларида машғулотлар виртуал-таълимий музей ёрдамида, назорат синфларида эса, анъанавий методика асосида ташкил этилди.

Тажриба-синов ишларининг натижавийлиги ўқувчиларнинг виртуал-таълимий музейдан фойдаланиб ўзлаштирган билимлари даражасини анъанавий дарсликдан ўқиб-ўрганиш орқали эгалланганлари билан қиёслаш ёрдамида аниқлаштирилди.

